

 [Sahifani PDF tarzda yuklab olish \(63 Kb\)](#)  [Versiyasi](#)  [Sahifani doc tarzda yuklab olish \(63 KB\)](#)

## **«2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ**

**ФАРМОЙИШИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги «2013-2017 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1958-сон қарори ҳамда 1-сонли Қурилаётган қархоналарнинг бирлашган дирекциясининг 2014 йил 11 ноябрдаги 01/05-172-сонли таклиф хатини инобатга олиб, таъмирлаш ва тиклаш ишлари яқунланган объектларни ўз вақтида қабул қилиб олишини ташкиллаштириш мақсадида:

1. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳаражатлари ҳисобидан 2014 йили таъмирлаш ва тиклаш ишлари яқунланган мелиоратив объектларни қабул қилиб олиш комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Комиссияга ҳар бир таъмирлаш ва тиклаш ишлари яқунланган мелиоратив объектларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиш вазифаси юклансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2013 йил 26 сентябрдаги 188-б сонли фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича қотибиятига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар  
Кенгашининг Раиси**

**Б.Янгибаев**

Нукус ш.,

2014 йил, 21 ноябрь

245-б

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг  
2014 йил «21» ноябрдаги  
245 - фармойишига илова

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағи ҳисобидан 2014 йили таъмирлаш ва тиклаш ишлари яқунланган мелиоратив объектларни қабул қилиб олиш комиссияси

ТАРКИБИ

С.Хожаметов	-	Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири в.в.б., штаб бошлиғи
Ж.Узақов	-	Қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи, штаб бошлиғининг ўринбосари Ишчи комиссия аъзолари□
Ғ.Тебериков	-	1-сонли Қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси бошлиғи
А.Салихов	-	Қорақалпоғистон мелиоратив экспедицияси бошлиғи
А.Омаров	-	ҚР давлат архитектура-қурилишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи
Б.Хожаметов	-	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Департаментининг ҳудудий техник назоратчиси
С.Сейтназаров	-	Қорақалпоғистон Республикаси Фермерлар Кенгаши раиси
А.Уразимбетов	-	Қорақалпоғистон Республикаси Коллектор-дренаж тизимлари бошқармаси бошлиғи
М.Заратдинов	-	МЧЖ «UzGIP» институтининг Қорақалпоғистон шуъба корхонаси бошлиғи
Р.Турганбаев	-	Ташкент Давлат Аграр университети Нукус филиали директори, Илмий кенгаши бошлиғи
Т.Турдумуратов	-	Қуйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг бўлим бошлиғи
Е.Кошеков	-	1-сонли Қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекциясининг лойиҳаларни бошқариш бўлимининг бош мутахассиси
Лавозими бўйича	-	1-сонли Қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекциясининг лойиҳаларни бошқариш бўлимининг мутахассислари (куратор)
Лавозими бўйича	-	Тегишли туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи
Лавозими бўйича	-	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тегишли туман бўлими бошлиғи
Лавозими бўйича	-	Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармасининг тегишли туман бўлими бошлиғи
Лавозими бўйича	-	Давлат санитария эпидемиология назорат қилиш маркази тегишли туман бўлими бошлиғи
Лавозими бўйича	-	Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тегишли туман бўлими бошлиғи
Лавозими бўйича	-	Тегишли туман Сув истеъмолчилари уюшмаси раиси
Лавозими бўйича	-	Туман маҳалла жамғармаси раиси
Лавозими бўйича	-	Тегишли фермер хўжаликлари раҳбарлари
Лавозими бўйича	-	Пудрат корхона вакиллари
Лавозими бўйича	-	Тегишли Овул фуқаролар йиғини раҳбарлари

Эслатма. Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган вазиятда, комиссия таркибига уларнинг лавозимига янгидан тайинланган шахслар киритилади.

/td

Ko'rib chiqildi:

Izlash

- 
- 
- 

- [Vazirlar Kengashi](#)
- [Statistik va tahliliy ma'lumotlar](#)
- [Vazirliklar va idoralar](#)
- [Shahar va tuman hokimliklari](#)
- [Hujjatlar](#)
- [Respublika mehmonlariga](#)
- [Elektron hukumat](#)
- [Interaktiv davlat xizmatlar](#)